(Боши 1-бетда)

Конституциямизнинг X бобида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари белгилаб қўйилган бўлса, XIII боб 59-моддасида эса «Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар» деб эътироф этилган.

Касаба уюшмалари муассаса, ташкилот, маъмуриятлар томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, меҳнат муҳофазаси қонунларига амал қилинишини назорат қилади. доирасида меҳнаткашлар учун манфаатли тадбирларни амалга оширмоқда. Бундай ҳамкорлик натижасида ижтимоий ривожланиш, аҳолининг турли табақаларига манзилли ёрдам кўрсатиш, меҳнат шароити ва муҳофазаси каби масалаларга оид кўплаб муаммолар ҳал этилмоқда. Сўнгги беш йилда жамоа келишувлари ва шартномаларни тузишга бўлган ёндошув тубдан ўзгарди. Агар 90-йилнинг бошларида жамоа шартномалари хўжалик ҳисобидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилган бўлса, зандлари эса ёз мавсумида соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди. Ана шу мақсадлар учун ижтимоий суғурта маблағларидан 1073,6 миллион сўм сарфланди.

Пахта мавсумини уюштиришда ҳам касаба уюшмалари алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Теримчиларнинг аксарияти касаба уюшма аъзолари эканлигини ҳисобга олган ҳолда пахтакор ва ҳашарчи теримчиларга намунали меҳнат шароити яратиб берилди. Шунингдек, илғорлар рағбатлантирилиб, моддий ва

# БУЮК ҲАЁТ ҚОМУСИ

Баъзи ҳолларда касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ёки бутун бир жамоанинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, маъмурият билан улар ўртасидаги келишмовчиликлар адолатли ҳал этилади. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2003 йилдан вилоят касаба уюшма Кенгаши аралашуви билан ноқонуний ишдан бўшатилган 4 та ходим ўз вазифасига тикланди, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланган ва касб касаллигига учраган 10 нафардан ортиқ ишчига етказилган зарар ундириб берилди.

Касаба уюшмалари оммавий ташкилот сифатида жамоат ташкилотлари ўртасида нуфузли ўрин тутади. Айни кунда вилоятимизда 600 мингга яқин меҳнаткашлар касаба уюшмаларига бирлашган бўлиб, улар ишлаб чиқаришда банд аҳолининг 80 фоизини ташкил этади. Шунингдек, касаба уюшмалари кенг тарқалган ташкилий тузилма сифатида 11 та тармоқ касаба уюшмаларини ўз тасарруфига бирлаштирган 6 мингдан зиёд бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда.

Ижтимоий шерикчилик шарофати билан вилоятимиздаги барча тармоқ, минтақа ва корхоналарда меҳнат шароитлари ҳамда муҳофазаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, имтиёз ва кафолатлар бериш, соғломлаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш каби масалалар жамоа келишувлари ва шартномаларда ўз аксини топмоқда. Жумладан, касаба уюшмалари вилоят Кенгаши вилоят ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳудудий келишуви янги Меҳнат Кодекси жорий этилгандан кейин унинг нуфузи ошди. Чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берди. Агар 1998 йилда жамоа шартномалари 2749 тани ташкил этган бўлса, жорий йилга келиб 5 мингтага кўпайди.

Президентимиз ташаббуси билан айнан Конституция куни муносабати билан ўтказиладиган анжуманда келаётган йилни бирор ном билан аталиши анъанага айланиб бормоқда. Вилоят касаба уюшмалари ҳам бу борадаги эзгу ишлар асосида ўз дастурларини яратиб, уни амалда қўлламоқда. Ана шу муҳим ҳужжатда касаба уюшма аъзолари, уларнинг оиласи, фарзандлари манфаатлари ҳимоя қилиниб, уларнинг саломатлиги, дам олиши ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Шу билан биргаликда меҳнаткашлар манфаатини кўзловчи мингдан ортиқ тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, «Аёллар йили», «Соғлом авлод учун», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили»да меҳнаткашларга унумли меҳнат шароитларини яратиш, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини олиб бориш, меҳнат таътилларига қўшимча кунлар жорий этиш, имтиёзли йўлланмалар ажратиш, ёлғиз аёлларга ва фахрийларга моддий ёрдам уюштириш борасида корхона-ташкилотлар маъмурияти билан ҳамкорликда мунтазам иш олиб борилди.

Жорий йилнинг 9 ойида вилоятимиз меҳнаткашларидан 2902 нафари санаторийларда, 7100 нафари санаторий-профилакторийларда, 1656 нафари дам олиш уйларида ўз соғлиқларини тикладилар. Касаба уюшма аъзоларининг 23 мингга яқин фармаънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Вилоят касаба уюшма Кенгаши томонидан йиғим-теримда алоҳида ўрнак кўрсатган теримчилар ва кам таъминланган оилаларга 3 миллион сўмлик моддий ёрдам уюштирилди.

Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деган даъвати вилоят касаба уюшма Кенгаши ва унга аъзо ташкилотлар учун дастурилама́л вазифасини ўтамоқда. Қутлуғ Рамазон ҳайити, Ногиронлар куни ва Конституциямизнинг 11 йиллиги муносабати билан қатор савобли ишлар амалга оширилмоқда. Ангрендаги 34-сонли етим ва қаровчисиз қолган болалар мактаб-интернати, 73-умуртқа поғонаси касал болалар мактаб-интернати, Пскент туманидаги 79-ёрдамчи мактаб-интернати, Бўка туманидаги 15-«Меҳрибонлик уйи», Қибрай туманидаги 77-мактаб-интернати, Чирчиқ шаҳар 14-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига 3 миллион 532 минг сўмлик иссиқ кийим-кечаклар ва оёқ кийимлари саховат ёрдами сифатида инъом этилди.

Қадимий алломалар қонунлар халқнинг таянчи, уни муҳофаза этувчи қўрғондир, деган эканлар. Ҳақиқатан ҳам қонун ҳар бир фуқаро учун қалқон. Қонун асосида иш юритиш ва унга амал қилиш саъй-ҳаракатлари буюк келажагимизга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз Конституциямизда эътироф этилган ҳуқуқ ва бурчларимизни тўла амалга оширайлик.

**Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,**
**Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси**

*Излаган имкон топар*

# АСАЛ БЎЛСА КАСАЛ БЎЛМАЙДИ

***Улуғ табиб Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида шундай сўзларни ўқиймиз: асал чиркин яраларни тозалайди. Кўз нурини оширади. Меъдага қувват беради. Иштаҳа очиб, ични мулойим қилади...***

Дарҳақиқат, асал жуда кўп дардга даводир. Асал турган уйда касал бўлмайди, деган ҳикмат бежизга халқ орасида юрмайди. Унинг нақадар аҳамиятга молик табиий неъмат эканлиги эътирофи сифатида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Асаларичиликни ривожлантириш тўғрисида»ги қарор соҳани янада ривожлантириш ва уни ислоҳ қилишга туртки бўлди. Бу борада, хусусан, Сариосиё туманида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилди. Сабаби туман ҳудудининг асосий қисми тоғлардан иборат. Ҳисор ва Боботоғ этакларию, кенг адирлар асаларичилик учун ниҳоятда қулай ҳисобланади.

Инсон ўз дунёсини ўзи яратади. Ёниб яшаганни эса эл танийди, бошига кўтариб ардоқлайди.

Фарҳод Соҳибов ана шундай инсонлардан. Уни асалчиликнинг пири дейишади. Фарҳод ака бундан икки йил аввал Малика Ашурова номли асалчилик хўжалигига раис бўлиб сайланганида, хўжаликда ишлар анча орқага кетган эди.

– Ҳамжиҳатликда гап кўп экан, – дейди раис биз билан суҳбатда. – Хўжаликка келганимда қоғозда 600 дан ошиқ асалари оиласи бору, лекин амалда улар элликдан ошмас эди. Очиғи, икки йил қаттиқ тер тўкишга тўғри келди. Мана бугун 600 яшикдан ошиқ асаларига эгамиз. Хўжалигимиз шу йилнинг мартидан вилоят ҳокимининг қарори билан фермер хўжалигига айлантирилди. Асалари оилалари 15 нафар асалчиларимизга бўлиб берилди. Натижа ёмон эмас, ўтган йилга нисбатан 4 тонна кўп асал олдик. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлди...

Эътироф этиш лозим, хўжаликда бугунги кунда ҳаёт қайнайди. Даромад эвазига оҳак ва алибастр цехлари фойдаланишга топширилиб, бешта янги иш ўрни очилди. Бундан ташқари, турли байрамлар арафасида тумандаги 20 дан зиёд кам таъминланган оилалар ва якка-ёлғизлар асал билан сийланди. Айни кунларда фермер хўжалиги яхши бир ниятни амалга ошириш тадоригида – бу ерда асални бежирим идишларда четга экспорт қилишга ҳозирлик кўриляпти.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



«Пахта банк»нинг Ёзёвон туман бўлими 1200 нафар мижозга хизмат кўрсатади. Шундан 615 таси пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларидир. Банкнинг мижозлари асосан фермерлар бўлгани учун жойларда 6 та мини-банк фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунгача пахта теримида қатнашаётган теримчиларга олтита беш кунликка 268 миллион сўм ажратилиб, шундан 14 миллион 500 минг сўми қуритиш ва хирмон ишлари учун тарқатилмоқда.

**Суратда: «Пахта банк»нинг Ёзёвон туман бўлими мутахассиси Наргиза Саидхонова.**

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*Корхонада маънавий-психологик муҳит*

# ИШЧИ КАЙФИЯТИ

## муваффақиятни таъминловчи муҳим омил

***Ҳар куни ўзимга таниш, файзли йўлдан қадрдон корхонамиз томон борарканман, ишчи-хизматчиларга зимдан кўз югуртираман. Аксариятининг кайфияти юқори, иштиёқ ила яшаётганлигини ҳис қиламан. Масъулиятли участкаларда фаолият юритаётган, энг керакли маҳсулот ишлаб чиқараётган кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш, манфаатларини қаттиқ туриб ёқлаш бурчим эканлигини теран ҳис этаман.***

Корхонамизда ишлашни хоҳловчилар кўп. Соғлом муҳит, яхши маош ва энг муҳими, кишилар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатлик жойида эканлигини кўпчилик билади. Касаба уюшма етакчиси сифатида бир вақтлар турли сабабларга кўра бошқа жамоаларга ўтиб ишлаётган қўлигул ишчилар, мутахассислар яна сафимизга қайтганликларидан бағоят хурсандман. Қурилиш учун энг керакли маҳсулот - цемент ишлаб чиқариш мураккаб жараён. Ҳар бир ишловчи ўз хизмат бурчини аъло даражада бажариши, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши тақозо этилади. Узлуксиз жараён бир маромда давом этиши, сифатли маҳсулот олиш, иқтисодий кўрсаткичларни юксалтириб бориш учун фидойилик, ташаббускорлик зарур. Тажрибадан биламизки, агар ишловчилардан бирортасининг кайфияти жойида бўлмаса, ҳамкасбларига унинг албатта таъсири бўлади. Шу боис корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан белгиланган тадбирларни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор қаратган. Ахир тўрт сменали гигант корхонанинг ўзига хос муаммолари, ташвишлари бор.

Белгиланган тадбирларга кўра ишчи-хизматчилар бепул махсус кийим-бош ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Корхонанинг ҳақиқий эгалари бўлмиш тажрибали ишчилар, рационализаторларимиз ёшларни оталиққа олишган. Шу ўринда моҳир ишчи Исмоил Ҳақбердиев ҳақида алоҳида тўхталсам. Ўзига ва бошқаларга бирдек талабчан, қатор касбларни пухта эгаллаган бу фидойи инсон мураббийчилик ҳаракатини авж олдириб, кўплаб лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Вақти-вақти билан меҳнат унумдорлигини ошириш, иш шароитини яхшилаш, ёш ишчиларни рағбатлантириш юзасидан қимматли таклифларни илгари суради. Лозим бўлганида ўзи вақт билан ҳисоблашмай ишлайди. Адолатни юзага чиқариш учун раҳбару мутахассислар билан талашиб тортишишдан чўчимайди.

Рашид Турдиев, Ҳикматулло Жўраев каби цех бошлиқлари корхонамиз юраги ҳисобланади. Йиғилишларимиздан бирида бу икки мутахассис ёш ишчи оилалари, уларнинг яшаш шароитидан хабардор бўлиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш масаласини ўртага ташлашди. Кўплашиб ишга киришдик. Маъмурият ва касаба уюшма томонидан имконият даражасида маблағ ажратилди. Натижада қанчадан-қанча ишчиларнинг кўнгли олинди, уларда ўз корхонасига бўлган меҳр, касб-корга қизиқиш кучайди. Сўнгги ойларда ишлаб чиқариш натижалари янада яхшиланганлиги, хайрли ташаббуслар кенг қулоч ёйганлиги инсон омилига эътибор шарофатидандир.

Корхонада 2300 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Мураккаб технологияни моҳирлик билан бошқараётган, тунги сменада ҳам юқори кўрсаткичга эришаётган кишиларга намунали маиший шароит яратиш зарур. Шу боис ишчилар ошхонасида тайёрланаётган неъматлар сифати касаба уюшма қўмитаси аъзолари томонидан доимий кузатиб борилади. Мева-сабзавот, сут, қатиқ албатта бўлиши керак. 36 та цех вакиллари белгиланган тартиб асосида бепул овқатлантирилади.

Корхона қошидаги санаторий-бизнинг фахримиз. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган масканда тажрибали шифокорлар фаолият юритишмоқда. Бу йил 700 нафар ишчи саломатлигини мустаҳкамлади. 70 нафардан ортиқ ходимга эса республикамизнинг энг яхши сиҳатгоҳларига йўлланма берилди. Бир вақтлар жамоамизда меҳнат қилиб, эндиликда қарилик гаштини сураётган табаррук инсонлар ҳолидан доимий равишда хабар олиб турамиз. Байрам тадбирлари улар иштирокисиз ўтмайди. Кўп миллатли кишилар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатлик, соғлом, ўзаро талабчанлик муҳити ютуқлар омили бўлмоқда.

**В.ФАКЕЕВ,**
**Навоий «Қизилқумцемент» очиқ турдаги акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси**

# «КИШМИШ» МАҲСУЛОТИ

Самарқанд туманидаги «Кишмиш» очиқ акционерлик жамияти бундан бир неча йил муқаддам инқирозга юз тутган эди. Цехлар фаолияти тўхтаб қолиши боис ўнлаб ишчи ўринлари йўқолиб кетди. Корхонанинг қарзлари ҳам анчайин ошиб кетган, биргина солиқдан қарздорлик 40 миллион сўмни ташкил этар эди.

Инқироз исканжасидан қутилиш учун аввало жамиятни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт қилинишига эришиш мақсад қилиб қўйилди. Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун 1 миллион 280 минг АҚШ долларига хориждан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган янги технологиялар харид қилинди. Биринчи навбатда цехларни жиҳозлашга киришилди. Италиядан келтирилган сокни тозалайдиган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ва янги ишчи ўринларини ташкил этиш мақсадида Германиядан ҳамда Югославиядан келтирилган қўшимча линиялар ишга туширилди.

Айни пайтда корхона ривожланиш йўлига ўтиб олди. Хомашёнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 120 дан ортиқ фермер, ширкат хўжаликлари билан шартномалар имзоланди. Олдиндан жамият томонидан бўнак пуллари тўлаб борилди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчиларда ҳам ҳеч қандай муаммолар туғилмади. Аксинча, улар иш билан таъминланиб, меҳнатлари қадр топди. Корхона ҳам турли қарзлардан халос бўлиб, йилни анчайин фойда билан якунлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

– Ҳозирда корхонада 12 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва Қозоғистон, Россия давлатларига экспорт қилинмоқда, – дейди жамият директор ўринбосари Шуҳрат Исмоилов. – Келажакда имкониятларимизни янада кенгайтириш ҳамда ички бозоримизни сифатли, харидоргир маҳсулотлар билан таъминлашни режалаштирмоқдамиз.

Жамиятда 160 нафар ишчи-ходим 2 сменада меҳнат қилади. Мавсумда бажариладиган ишлар ҳажмига қараб улар сони 400 нафардан ҳам ошиши мумкин. Ўртача ойлик 40 минг сўмни ташкил этади. Меҳнаткашларнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус автотранспорт воситаси ажратилган. Корхона ҳисобидан бепул тушлик, махсус кийим-бош бериб борилмоқда. Бундан ташқари, жамиятнинг 73 минг дона акциялари мавжуд бўлиб, ҳозирда пакетлар тўлиқ жойлаштирилган. Уларнинг маълум қисмини Американинг «Дионис-ИНК» компанияси сотиб олди. Ишчи-ходимлар эса бу йил акциялардан яхшигина дивидент олишни мўлжалламоқдалар.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги қатор кўп қаватли биноларда истиқомат қилаётган аҳоли уйларининг томидан бир неча йилдан буён чакка ўтиб, қишни қийин аҳволда ўтказиб келишади. Улар муаммони ҳал этиш учун турли мутасадди ташкилотларга мурожаат қилавериб чарчашди. Ҳар гал масала кўндаланг қўйилганида бу ишга дахлдор кишилар ваъда беришдан нарига ўтишмайди. Қурилиш материаллари, хусусан, тўл йўқлиги рўкач қилинади.***

*Алҳазар!*

# БУРЧГА ХИЁНАТ

Хизмат бурчи юзасидан бу ишга алоқадор тумандаги коммунал таъмирлаш, аварияни тиклаш хизмати идорасида бўлдик. Ҳар галгидек қабулхона кишилар билан гавжум. Бироқ йиғилганларнинг жиғибийрон бўлиб таъкидлашларича, раҳбар халқ дардини тинглаб, масалага нуқта қўйиш учун жон койитмаяпти.

19 ноябр куни ғалати воқеанинг гувоҳи бўлдик. Сирғали тумани йўл-патрул хизмати ходими Учқун Жуманазаров шериги билан корхона раҳбарининг розилигисиз, ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмасдан 11 В 5708 давлат рақамли «Москвич-412» автоуловида 17 ўрам қора қоғоз – тўлни олиб чиқиб кетаётган экан. Суратда кўриб турганингиздек, халқ мулкига хиёнат қилаётганлар узоққа боришолмади. Автоулов йўлда бузилиб, юк орқага қайтарилди.

Киракаш йигит савол-жавобдан ўзини четга олди.

– Юк «ГАИ»ники, қаёққа обориб ташла дейишса, шуни бажараман, - таъкидлади тутоқиб.

Коммунал таъмирлаш, аварияни тиклаш хизмати идораси раҳбарига юзланиб, воқеага изоҳ беришни илтимос қилганимизда:

– Юк, албатта менинг розилигим ва имзойим қўйилган ҳужжат асосида чиқарилиши керак, бироқ муросаю мадора деган гап бор...

Ана холос, шу ҳудудда яшаётган аҳоли чакка ўтаётган уйларнинг томи қачон таъмирдан чиқарилади, дея ойлаб кутиб ётсаю, бу иш учун ғоятда зарур бўлган қурилиш материали ими-жимида сув қилинса. Шу ҳам инсофданми?!

Бир маҳал форма кийган, қўлида уяли телефони билан «юкнинг ҳақиқий эгаси» – йўл- патрул хизмати ходими Учқун Жуманазаров кириб келди.

– Кимсизлар ўзи, - дея дўқ ура кетди.

Адолатли саволни кўндаланг қилганимизда:

– Мен бу тўлларни уйимгамас, ишхонага олиб кетаяпман, билар-билмас аралашманг, дея уяли телефонидан кимгадир қўнғироқ қила бошлади.

– Бу ишингиз сизга асло ярашмайди, ахир бу маҳсулотлар аҳолини қишли-қировли кунларда совуқдан асраш учун келтирилган-ку!

«ДАН» ходими эътирозимизга эътибор ҳам қилмади, ёвқараш қилиб нари кетди. Корхона бошлиғи Собир Ражабов эса хижолатдан нима дейишга ҳам ҳайрон.

Аҳоли номидан корхона раҳбари олдига келган отахонлардан бири адолатли тарзда таъкидлади:

– Кўпчилик ишонган, умид боғлаган кишилар шундай номаъқул ишларга қўл уришса, чакка ўтаётган уйларнинг томлари бу йил ҳам таъмирланмас экан-да?

Ўйлаймизки, бу ҳақли саволга тегишли идораларнинг мутасадди раҳбарлари жавоб беришади.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***СУРАТЛАРДА: чакка ўтаётган уйларнинг аҳволи ва талон-торож қилинаётган қурилиш материали.***








И.ХАСАНОВ олган суратлар

# ШИКОЯТГА ЖАВОБ

## асосли бўлсин

*Мулоҳаза*

Мамлакатимизнинг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Оғзаки ва ёзма шаклдаги мурожаатлар белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши керак.

Таҳририятга Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани марказий шифохонаси тасарруфидаги «Саломатлик маркази» шифокори Абдураҳим Жўраевдан шикоят хати келди. Мактубда қарийб 40 йилдан буён тиббиёт соҳасида ишлаётган кишининг имтиёзли пенсияга чиқиши жараёнида сунъий тўсиқларга дуч келаётганлиги баён этилганди.

Абдураҳим Жўраев Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факултетини тугатган. Кўп йиллар мобайнида туман санитария-эпидемиология станциясида санитария врачи бўлиб ишлади. Унга ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ҳуқуқи берилмаган. Бўлим тўлалигича марказий шифохона бош врачи тасарруфида эди. Кейинчалик «Саломатлик маркази» га айлантирилди.

Икки йил муқаддам А.Жўраев 55 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқиш учун туман ижтимоий таъминот бўлимига ариза берганди. Лекин унинг пенсия тўғрисидаги иши амалдаги қонун ва қарорлар талабларига тўғри келмаслиги учун рад этилган.

Ана шундан сўнг шифокор турли табақадаги ташкилотларга аризалар ёзишга киришди.

– Ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилиб меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси, Республика меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлигига шикоят йўлладим, – дейди А.Жўраев биз билан суҳбатда. – Афсуски, натижа чиқмади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасида мурожаат давлат органлари томонидан кўриб чиқилаётганида аввалги жараён ҳақида ахборот олиш, важларни шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга дейилади.

Демак, мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарор ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратишлари шарт.

Мана икки йилдирки, фуқаро ўз аризасини кўриб чиқиш натижасидан қониқиш ҳосил қилмайди. Юқори ташкилотларга устма-уст хат йўллагани-йўллаган.

Шикоят хати жойида ўрганилди. Чироқчи туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Нурмонов Жўраевнинг пенсия ишини қуйидагича изоҳлайди:

«Жўраев Абдураҳмоннинг 1981 йил 3 январдан 1992 йил 20 майгача санитария тарғибот уйида бош ҳаким бўлиб ишлаган даври амалдаги тартибга асосан махсус меҳнат стажига қўшиш кўзда тутилмаганлиги сабабли пенсия тайинлаш рад этилган.

Бу ҳақда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг 2001 йил 20 декабрдаги 1243-сонли хати мавжудлиги, вазирлик мутахассисларидан ҳам маслаҳат олинганлиги илова қилинади».

Вазирлар Маҳкамасининг 250-сонли қарорида барча тиббиёт ходимларига белгиланган муддатидан 5 йил олдин пенсияга чиқиш мумкинлиги кўрсатилган. Қарорнинг 8-бўлимида имтиёзли нафақага чиқувчилар тоифасига санитария-даволаш муассасалари ходимлари ҳам киритилган.

Туман ҳокимининг 2003 йил 11 январдаги қарорига асосан марказий шифохона ҳузуридаги санитария маориф бўлими мустақил фаолият кўрсатадиган тиббий муассаса – «Саломатлик маркази»га айлантирилди.

Давр шиддат билан олға бормоқда. Қабул қилинган қарорлар, норматив ҳужжатлар ўзгариб туриши мумкин. Ариза ва шикоятларни ўз жойида кўриб чиқиб, унинг қонуний ёки ноқонунийлиги хусусида муаллифларга асосли жавоблар қайтарилса, муаммолар юзага келмайди. Мутасадди ташкилотлар ишга юксак масъулият билан ёндошиб, фуқаро Абдураҳмон Жўраевнинг имтиёзли пенсияга чиқиш тўғрисидаги талабини чуқур ўрганиб, амалий чоралар кўрсалар адолатдан бўлур эди.

**И.ҲИКМАТОВ**

# ЎРТА ЧИРЧИҚЛИК БОЛАЛАРГА

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими Ўрта Чирчиқ туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига икки миллион 900 минг сўмлик спорт жиҳозлари етказиб берди.

- Мактабда беш юздан зиёд бола кураш, бокс, стол тенниси ва таэквондо каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқда, - дейди жамғарманинг вилоят бўлими директори Р.Тиллаев. - Мазкур мактабнинг қўшни Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ туманларида ҳам бўлимлари мавжуд.

